

IDEAS OF EDUCATION AGAINST IGNORANCE IN THE CREATIVITY OF ABDULLA AVLANI

Suvonova Nilufar

Tashkent State Pedagogical University named after Nizami student of the Faculty of pedagogy and psychology

Annotation: at any stage of human civilization, the age-old struggle between good and evil, light and darkness, ignorance and enlightenment will continue. On the pages of our history, too, live the immortal names of people who, having sewed their lives, their lives, to overcome ignorance. One of such writers, Abdulla Avlani's efforts to create the light of enlightenment, zalvorli, will be analyzed in detail in the following article.

Keywords: ignorance, enlightenment, "usli antiquity", acceleration, national tragedy.

АБДУЛЛА АВЛОНИЙ ИЖОДИДА ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ МАҶИФАТ ФОЯЛАРИ

Сувонова Нилуфар

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика универсетети педагогика ва психология факултети талабаси

Аннотация: Инсоният тамаддунинг ҳар қандай босқичида яхшилик ва ёмонлик, ёруғлик ва зулмат, жаҳолат ва маърифат орасидаги азалий кураш давом этаверади. Тарихимиз саҳифаларида ҳам жаҳолатни енгисх учун ўз умрини-да, жонини-да тикиб, жасорат кўрсатган инсонларнинг боқий номлари яшайди. Шундай адиллардан бири Абдулла Авлонийнинг маърифат нурини таратиш йўлида қилган залворли меҳнатлари қуйидаги мақолада батафсил таҳлил этилади.

Калит сўзлар: Жаҳолат, маърифат, "Усли қадим", жадидчилик, миллий фожеа.

Ҳар қандай асрда ва даврда инсоният жаҳолат ва маърифатнинг ўзаро олишуви жараёнини бошидан кечирган. Хўш, шундай экан жаҳолат нима? Маърифат-чи? Жаҳолат сўзи ўзбекча сўз бўлиб "нодонлик", "ақлсизлик", "илмсизлик", "қолоқлик", "маданиятсизлик" каби маъноларни билдиради. Жаҳолатнинг оқибатлари инсоният таракқиётининг таназзулига сабаб бўлганлиги тарихдан маълум. Билимсизлик, нодонлик жаҳолатнинг уясидир. Маърифат сўзи эса арабча сўз бўлиб, "билим", "фан", "маълумот" маъносини англатиб, билим ва маданиятни ёйиш ҳамда юксалтиришнинг ҳамма турларини қамраб олувчи таълим-тарбия, иқтисодий, сиёсий, диний, фалсафий гоялар асосида кишиларнинг онг-билимини, маданиятини оширишга қаратилган фаолиятдир.

Жаҳолатга қарши маърифат орқали курашиш одамнинг маънавий қарамлиқ, қўрқув ва ҳадиксирашдан кутулишига ижобий таъсир кўрсатиб, унинг чексиз куч-кудратга эга бўлишига кўмаклашади. Ушбу фикрни исботлашда халқимизнинг яқин ўтмиши яққол мисол.

Ватанини жаҳолат ботқофидан олиб чиқиши йўлидаги жадидчиларимизнинг мардонавор ҳаракатлари бунга яққол мисолдир. Жадидчиликнинг асосий ғоя ва мақсадлари Туркистонни ўрта асрчилик, феодал қолоқлик, хурофотлардан озод қилиш,

«Усули қадим» ни инкор этган ҳолда ўлкани, халқни, миллатни замонавий мутараққий йўлга олиб чиқиши, миллий давлат бунёд этиши, конституцион, парламент ва президент идора усулидаги озод ва фаровон жамият кўриш, туркий тилларга давлат тили макомини бериш, миллий пул бирлиги, миллий қўшин тузиш рус тараққийпарварлари, маърифатчиларининг Туркистон ўлкасида маърифатпарварлик ғояларини тарқатиш учун имкониятлар яратиш эди. Энг асосийси бу каби мақсадларга эришиш учун аҳоли онгли, саводли бўлиши керак эди. Бу йўлда жаҳолатга қарши жадидчиларимиз қандай йўл тутдилар? Юрт бошидаги нафақат мустамлакачилик, балки билимсизлик, саводсизлик қутқусига қарши қандай кураш олиб бордилар?! Бизни мустамлака қилган сон ва моддий қурол-аслаҳа базасига коъра биздан бир неча ўн баробар кучли Чор Россиясига қарши қурол кўтариб жанг қилиш бирор самара берардими?! Албатта, йўқ. Келинг, етакчи жадидчиларимиздан бир нечталарининг жаҳолатга қарши қай тарзда кураш олиб борганликларини кўриб чиқамиз:

Абдулла Авлонийнинг бош мақсади ёшларни саводли қилишдан иборат бўлиб, жоҳилларга қарши энг кескир қурол бўлмиш маърифатни ёйишга жон жаҳди билан киришди. Унинг мактаби гуманистик ва эркин тарбия асосига курилган, дунёвий ва илғор илм-фанни болаларга ўргатишни ўз олдига асосий вазифа қилиб қўйган, ёшларни мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига аралаша олиш қобилиятига эга бўлишини таъминлайдиган хақиқий халқ мактаби бўлди. Адид бу мактаблар учун дарсликлар тузди. Авлонийнинг аввалги синф шогирдлари учун —Биринчи муаллим|| (1911) Октябр ўзгаришигacha 4 марта, —Алифбедан сўнгги ўқув китоби|| —Иккинчи муаллим|| (1912) 3 марта кайта нашр этилган. Ахлоқий дидактик мазмундаги —Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ|| дарслиги (1913) XX аср бошлари ижтимоий педагогик фикр тараққиётида алоҳида ўрин эгаллади. Унда тарбия ва ахлоқ масалалари биринчи маротаба XX асрнинг талаб ва эҳтиёжлари нуқтаи назаридан таҳлил қилинган. Авлоний хулқларни ан’анавий яхши ва ёмонга ажратар экан, мулоҳазаларини Гиппократ, Платон, Аристотел, Са’дий Шерозий,

Бедил фикрлари билан далиллаган ҳолда замонавийликни асосий мезон қилиб олади. Адид Ватан муҳаббатини унинг учун курашмоқни энг яхши инсоний хулқлардан ҳисоблади. Ватан – бу ҳар бир кишининг туғилиб ўсган шаҳар ва мамлакати. Уни қадрламоқ, севмок, яшартмоқ керак. Шоир Ватан ва унга муҳаббат деганда шуни тушунган эди. Тилга, маданиятга муҳаббат эса, ҳар бир кишининг ўз халқига бўлган муҳаббатидир: —Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадургон ойнаи ҳаётি тил ва адабиётидир. Миллий тилни ё‘қотмак миллатнинг руҳини йўқотмақдур|. Энг ажабланарлиси шундаги, А. Авлоний ёзган ўнлаб шеърлар орасида битта ҳам ошиқ ва маъшуқа севгиси , муҳаббати мавзусида ёзилгани йўқ. У умр бўйи эли, юрти учун ёниб ижод қилди, миллат қайғуси билан яшади. Дастребки поетик асарлари —Адабиёт ёхуд миллий шеърлар|| (I, II, III, IVжузлар), —Мактаб гулистони|| (1916), —Мардикорлар ашуласи|| (1917) китобларида ва —Сабзавор|| тазкираси (1914) ҳамда вақтли матбуот саҳифаларида чоп этилган асарларидир. Уларда илм-ма’рифат тарғиб қилинган, жаҳолат ва нодонлик, эски тузумнинг ижтимоий-ахлоқий асослари қораланган, озод ва баҳтиёр замон ҳақида фикр юритилган.

Юкорида зикр қилинган барча фикр ва мулоҳазалардан шуларни хулоса қилишимиз мумкинки, маънавий-ахлоқий негизлар мустақил Ўзбекистонимизни ривожлантиришида асосий омиллардандир. Зоро, маърифатга интилиш–юксак маънавиятга эришмоққа пойdevордир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Qosimov B. Abdulla Avloniy. T., 1979.

2. Qosimov B. Inqilobiy she'riyat sahifalari. T., 1977.
3. Oripov Q. Alangali yillar adabiyoti., T., 1972.